



МУНОСАБАТ ЁШЛАР ОРАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИК

Бу — жамиятнинг энг оғриқли
нуқтасидир



Баҳодир ТЎРАЕВ,
«Ипак йўли» туризм халқаро
университети проректори, иқтисод
фанлари доктори, профессор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 27 июль кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ички ишлар органлари ва давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, ёшлар орасида жиноятчиликни янада камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва унинг оғир оқибатлари бугун бутун жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Таниқли сиёсатчилар, олимлар бу борада тезроқ чора-тадбирлар кўриш, амалий ишлар қилиш кераклигини ўқитиб, тақдир-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Мамлакат мустақиллигининг, тараққиётининг тақдирини аввало ёшларга, уларга қандай таълим-тарбия бераётганимизга боғлиқ. Бу ҳақиқатни бир лаҳза бўлса ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ёшлар халқаро олимпиадаларда, спорт мусобақаларида қатнашиш, ғалаба қозониш ўрнига жиноят қилса, ўзининг ҳам, ўзганин ҳам ҳаётини барбод қилса, бу дахшат-ку ахир.

Касбим тақозоси билан асосий вақтим ёшлар орасида ўтади. Тажрибамга таяниб, тўла ишонч билан айта оламаники, ёшларнинг жиноят кўчасига киришига аввало оила, маҳалла, у қўйган мактаб, олий ўқув юрти айбдор. Гарчи аччиқ бўлса ҳам ушбу ҳақиқатни тан олишга мажбуримиз.

Ёшлар қачон жиноят қилади? Унга нисбатан эътиборсизлик, адолатсизлик қилинса, ғамхўрлик кўрсатилмаса, бир сўз билан айтганда, иложсиз, ҳимоясиз қолганда жиноий тўдалар уни ўз домига тортиб олади. Ёшларни бу йўлдан қайтаришнинг имконияти борми? Бор, албатта! Бунинг учун мутасаддиларнинг жавобгарлиги ва масъулияти оширилиши керак.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир ёш йигит ёки қизнинг умри ҳазон бўлса-ю, бунинг учун ҳеч қандай ўзини айбдор ҳис қилмаса, жазоланмаса?! Жиноятга яқинлашаётган ёшларга нисбатан лоқайдлигимиз сабабли жиноятлар содир бўлаётганини, унинг иштирокчилари ёшлар эканлигини англаш вақти келди. Улар бирор муаммога дуч келганда, томошабин бўлиб туриш, ёрдам қўлини чўзмаслик энг катта гуноҳ бўлса керак, деб ўйлайман. Бундай вазиятда унинг дўстлари, яқинлари, ўқитувчилари ёнида бўлиб, оғир вазиятдан чиқиб кетишига кўмаклашишлари керак. Ушбу ҳолатда педагогика ва психология фанининг энг замонавий услубларидан фойдаланиш зарур. Ёшлар тарбиясидаги ҳар қандай хато бир оила муаммосидан жамият муаммосига айланади. Шунинг учун бу борада ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, узвийлик тамойилларига амал қилиш зарур.

Мен «Ёшлар — ёшларга» тарғибот гуруҳларини тузиш, мавжудларнинг фаолиятини жонлантириш тарафдориман. Чунки тенгдошларнинг руҳий яқинлиги, бир-бирини осон тушуниши, таъсир кучи қандай бўлиши фанда аллақачон исботланган.

Президентимиз масъулият ҳақида гапирди. Ҳеч бир ёш жиноятчи бўлишни мақсад қилмайди. Лекин баъзи бирлари ҳаётнинг оғир-енгил синовларига дош беролмасдан, жиноят йўлига кириб қолганлигини билмай қолади. Мана шу ўринда масъулиятсиз ота-она, муаллим, синфдош, курсдош, маҳалладош кузатувчи бўлиб ўтиради. Мана иллатнинг илдизи қаерда.

Ёшлар таълим-тарбиясида масъулиятни унутишга ҳаққимиз йўқ. Бу келажакка хиёнатдир.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ



ФРАКЦИЯ ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ МАЪҚУЛЛАМАДИ,

бирок парламент қўйи палатаси йиғилишида уни иккинчи ўқишга қадар
маромига етказиш таъкидланди...

Жорий йил инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари дастурлари доирасида барча манбалар ҳисобидан 2 минг 612 лойиҳа амалга оширилиб, 6 миллиард 850 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштириш белгиланган. Шундан 4,9 миллиард доллари хорижий инвестициялар бўлиб, унинг 2,3 миллиард долларини халқаро молия институтлари кредитлари ва 2,6 миллиард долларини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади.

Жойлардаги муаммоларни ўша ҳудуддан сайланган депутатлар бошқаларга қараганда яхшироқ билади. Бу ҳақда гап кетганда, маҳаллий Кенгаш депутатлари биринчи бўлиб кўз олдимизга келади, албатта. Хўш, бугун халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар ўз ваколатларидан қай даражада фойдаланаяпти? Жойлардаги муаммоларни ҳал этишда қандай иштирок этишяпти? Бу саволларга Тошкент вилояти мисолида жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

ДЕПУТАТ ЎЗИГА ИШОНМАСА, ҲЕЧ КИМ УНИ ҚЎЛЛАМАЙДИ

Вилоят партия кенгаши раиси Меҳрош Дархоновнинг таъкидлашича, қонуний ваколатларидан самарали фойдаланаётган депутатлар аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ижобий натижаларга эришаётгани кўзга ташланмоқда.

— Бугунги кунда халқ депутатлари Тошкент вилояти туман, шаҳар Кенгашларида 188 нафар

депутат фаолият олиб бормоқда, — дейди у. — Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 279 депутатлик сўрови юборилган. Шундан 173 таси қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш юзасидан, 106 таси эса фуқароларнинг муурожаатлари асосида амалга оширилган.

▶ Давоми 2-бетда.

30 ИЮЛЬ — БУТУНЖАҲОН ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган мулоқотда партия вилоят кенгаши, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими масъуллари, партиянинг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди.

Бугунги кунда одам савдоси бутун дунёда долзарб муаммолардан бирига айланган, афсуски, инсон шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қараладиган мамлакатимизда ҳам айрим юртдошларимиз билиб-билмай ушбу «бизнес» қурбонига айланиб қолаётгани таъкидланди. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан одам савдоси жино-

ятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йил 17 апрель кунини қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги қонуни, Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Тадбирда мазкур иллатга қарши самарали курашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бир қаторда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда маҳалла фаоллари ҳамжиҳатликда ишлаши, бу борада биринчи навбатда, аҳоли, айниқса,

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлиги эътибор қаратилди.

— Бош қомусимизда ҳеч бир фуқаро қийноққа солинмаслиги, унинг қадр-қиммати камситилмаслиги, зуравонлик ва шафқатсизлик каби ҳолатларга йўл қўйилмаслиги кафолатланган, — дейди партия вилоят кенгаши раиси М.Дархонов. — Афсуски, ҳаётда нафс қулига айланган айрим фуқароларнинг ушбу жirkan савдони касб тутганига, баъзи ҳуқуқий савдосиз фуқароларимиз эса уларнинг қурбонига айланаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу каби ҳолатларга бутунлай барҳам бериш мақсадида одам савдоси билан боғлиқ қонунчилик ва унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш борасида партиямиз «Тарғибот гуруҳи» аъзолари томонидан кенг қўламли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбир якунида одам савдоси билан боғлиқ ҳаётий воқеалар акс этган «Онанинг ноласи сабоқ бўлсин» ва «Ўзбек қизларига муурожаат» фильмлари намойиш этилди.

А.Худойкулов,
Ўза мухбири.

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

КЎЗИ ЁНИБ ТУРГАН БОЛАЛАР

Халқаро олимпиадада
совриндор бўлишди

Чехия ва Словакияда дунёнинг 80 мамлакатидан келган 300 нафардан ортиқ ўқувчи ўн кун давомида 50-халқаро кимё олимпиадасида ўз билимларини намойиш этишди. Унда Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчилари Жалолиддин Оловуддинов ва Дилдора Ҳакимбоева ҳам қатнашиб, бронза медалларини қўлга киритишди. Кеча тонгда фотомухбиримиз Санжар Шотўлаганов билан уларни кутиб олиш учун Исрол Каримов номидаги халқаро аэропортга чиқдик.

— Олимпиаданинг биринчи турида ўқувчилар беш соат давомида 3 та лаборатория ишини бажарди, — дейди Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори Ортиқбой Эшонкулов. — Лаборатория ишига 40 балл қўйилди. Иккинчи тур назарий бўлиб, у 60 баллик тизимда баҳоланиб, 8 масала берилди. Жами бўлиб 100 балл қўйилди. Ҳакамлар орасида 3 нафар Нобель мукофоти соҳиблари борлиги бу олимпиада нуфузи баландлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, жаҳоннинг йирик кимё фирмалари олимпиадага ҳомийлик қилди. Улар мусобақа жараянини кузатиб боришди ва кучли болаларни ишга тақлиф қилишди. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари ректорлари ҳам олимпиадада иштирок этди. Улар ҳам иқтидорли болаларни ўз олий ўқув юртида грант асосида ўқишга тавсия қилишди. Бизга ҳам Чехия ва Германия давлатлари университетларидан тақлифлар бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 31 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиланади.*

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

\$ 1 АҚШ
доллари
7791,88

£ 1 Англия фунт
стерлинги
10209,70

₩ 1 Жанубий
Корея вони
6,99

\$ 1 Канада
доллари
5970,33

₣ 1 Швейцария
франки
7836,55

£ 1 Миср фунти
438,24

€ 1 ЕВРО
9082,22

₽ 1 Россия
рубл
124,19

¥ 1 Япония
иенаси
70,18

₮ 1 Хитой
юани
1144,23

Dh 1 БАА дирҳами
2121,51

\$ 1 Австралия
доллари
5765,99

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

ФРАКЦИЯ ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ МАЪҚУЛЛАМАДИ,

бирок парламент қўйи палатаси йиғилишида уни иккинчи ўқишга қадар
маромига етказиш таъкидланди...



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси муҳтож шахсларга шошилиш ёки қечқиртириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни асоссиз рад этганлик учун тиббиёт ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимларига жавобгарлик белгиланишини назарда тутди. Тўғри, инсон манфаати ҳар нарсадан устун. Аммо ўйлаб кўрайлик, бугун оилавий поликлиника ёки бошқа тиббиёт муассасасидаги аҳолига хизмат кўрсатувчи ходимнинг иш ҳақи қанча? Энг кам иш ҳақининг уч баравари 500 минг сўмдан ортиқ. Энди савол: бу сумма оддий врач ёки ҳамшира иш ҳақининг неча фоизини ташкил қилади?..

Шу асосларга кўра, белгиланаётган жараима миқдори юқори, деб ҳисоблаймиз. Масаланинг бошқа томонига ҳам эътибор қаратайлик. Қонунчиликка киритилаётган меъёр, қўшимча ёки ўзгартиришлар бирор-бир масаланинг ечимига хизмат қилиши керак. Бирок лойиҳада бу савол очиқ қолган. Тиббиёт ходимлари Гиппократ қасами билан ишга киришади. Шунинг ўзи ҳам виждонан ишлаш учун етарли бўлиши керак. Жараима белгилаш вазият ўзгаришини қафолатлай оладими?..

Ҳамшира ёки шифокорнинг эътиборсизлиги оқибатида беморнинг ҳолати ёмонлаша, бу масала бўйича қонунларимизда жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, шошилиш ва қечқиртириб бўлмайдиган тиббий ёрдам сўзлари кишини чалғитиши мумкин. Чунки улар ўзаро синоним ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳақда ҳам чуқурроқ ўйлаб кўриш, тақлиф этилаётган меъёرنинг ҳақиқий мазмунини очиб берувчи жумлалар билан бойитиш керак, деб ўйлайман.

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзолари
«Ўзбекистон
Республикасининг
Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодексига
қўшимчалар киритиш
ҳақида»ги қонуни
лойиҳаси реал ҳаётга
мос келмаслигини қайд
этмоқда. Бундай қатъий
фикр билдирилишининг
сабаби нимада?

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Уй-жойга бўлган талаб аҳоли сони ўсиб бораётган даврда ҳақиқатан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу вазифа ечимни банклар томонидан ипотека кредитлари асосида уй-жойлар қуриш орқали амалга оширилиб келинмоқда.

АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАРДАН фуқаролар миннатдор бўлмоқда

Лекин улар эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар учун қимматлик қилади. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар учун бу фақат бир орзу бўлиб қолаётган эди. 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури аҳолининг кам таъминланган қатлами манфаатларига хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир.

Ўтган йили Хоразм вилоятида 115 нафар эҳтиёжманд аҳоли ўз уйига эга бўлди. Эътиборли томони, тўлаш имконияти бўлмаган 54 нафар фуқарога бошланғич бадал ҳокимликлар томонидан тўланган бўлса, 14 оилалар ҳомийлар ҳисобидан уй-жой берилди. Мисол учун, ўтган йили Гурлан туманида қуриб, фойдаланишга топширилган 58 та намунавий лойиҳадаги уй-жойларнинг 6 таси ногиронлиги бўлган оила учун ажратилди. Хонка туманида 120 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, уларнинг 8 тасига эҳтиёжманд оилалар кўчиб ўтди. Туманда бу йил 124 та намунавий уй-жойлар қад

ростлаётган бўлса, уларнинг 26 тасини арзон уй-жойлар ташкил қилади. Белгиланган дастур доирасида жорий йилда вилоятда 200 нафар ногиронлиги бўлган фуқароларга арзон уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Хива туманида ўрганиш жараёнида 71 нафар фуқаронинг уй-жойга муҳтожлиги аниқланган. Уларнинг аксари кам таъминланган хонадонлар. «Дашёк» мажмуасида қад ростлаган 2 қаватли, 2 ва 3 хонали 16 хонадонли 2 та уй эҳтиёжманд оилаларга берилди. Айни пайтда вилоят бўйлаб аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, имкони йўқларга бошланғич бадални тўлаб бериш бўйича жараён давом этмоқда.

Биз партиямиз электорати манфаатидан келиб чиқиб, уйга эҳтиёжманд оилалар рўйхатини тузиб, ҳужжатларини расмийлаштиришга ёрдамлашяпти.

Раҳимберган ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм
вилоят кенгаши раиси.



Алиа ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасини дастлабки муҳокамаида ҳам қўллаб-қувватлаган эдик. Бунга сабаб, у бугунги вазиятга тўғри келмайди. Концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиши бўйича берилган ваъдалар ҳам унутилган. Қонун лойиҳасида Маъмурий ҳамда жиной жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар билан зиддиятни юзага келтирадиган жиҳатлари бор. Шу каби сабаблар билан лойиҳани қайтаргандик.

Олмасор туманида тиббиёт ходимлари билан учрашганимизда мазкур қонун



Шўхрат МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз аъзолари фикрича, лойиҳа «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»-ги ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги қонунлар талабларига жавоб бермайди. Хусусан, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»-ги Қонуннинг 14-моддасида «Қонун

лойиҳаси бўйича саволлар беришди. Сўхбат чоғида мутлақо қарши фикрлар билдирилди. Жамоатчилик фикрини ҳам ўрганиб, инobatга олишимиз керак, назаримда.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро тажриба ўрганилган бўлиши мумкин. Аммо ўзимизда ушбу масала қай даражада ўрганилди? Жойларда бу каби ҳолатлар рўй бераётган бўлса, уларнинг сони, кўрсаткичи қандай? Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қонун талабларини бажаришга тайёрми? Бу борада изланиш, таҳлил ўтказилиши лозим, деб ҳисоблайман. Масалан, айнан рад этилгани ҳақида қанча мурожаат ёки шикоят бўлгани бўйича маълумотлар кўрсатиб ўтилмаган. Айни чоғда бошқа мамлакатлар қонунчилигида бор нарсани тўғридан-тўғри ўзимизга кўчириб бўлмайди. Вазият, рўй бераётган воқеалар, ҳақиқий ҳаёт ўртасида катта фарқ ҳам борлигини унутмаслигимиз зарур.

Қонун лойиҳасини қайтарганимизга бир ойдан кўп вақт бўлди. Аммо унинг ижодкорлари қўшимча ҳеч қандай маълумот, ўрганиш киритмаган. Тез тиббий ёрдам кўрсатишдан бош тортиш ҳолатлари қузатилдими? Унинг оқибатлари қандай экани юзасидан таҳлил ва ҳулосалар мавзусиди? Тиббиёт ходимлари айби билан ноҳуш ҳолатлар содир этилганда жиной жавобгарликка тортиш бўйича қонунчилигимизда қатъий меъёр белгилаб қўйилган. Шунинг учун лойиҳанинг қўллаб-қувватланишига қаршиман.

лойиҳасини тайёрлаш қонунчилигининг ҳолатини чуқур ўрганишга, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни аниқлашга, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиётини таҳлил этишга асосланиши», 15-моддада «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олиниши, шунингдек, қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилиши» белгиланган. Аммо лойиҳада мазкур талабларга етарлича эътибор қаратилмаган.

Шунингдек, Жинойт кодексига жавобгарлик тартибини назарда тутувчи бир эмас, иккита модда киритилган. Шундай экан, маъмурий жавобгарлигининг белгиланиши кўп жиҳатдан тўғри бўлмайди. Чунки аҳолига хизмат кўрсатадиган ходимлар асосан раҳбар ёки мансабдор шахслар эмас. Натижада эса ўрта бўғиндаги электротартиб вакиллари бу талабларни бажаришга мажбур бўлиб қолиши мумкин.

Умуман олганда, лойиҳада чалкашликлар бор. Шу сабабли мен ҳам унинг маълумлигини тарафдори эмасман.

Лойиҳа юзасидан яна қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди, баҳс-мунозаралар бўлди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ДЕПУТАТ ЎЗИГА ИШОНМАСА, ҲЕЧ КИМ УНИ ҚЎЛЛАМАЙДИ

Одамлар ишончини қадрлаган, халқ вакили бўлиш нималигини ҳис қилган депутатлар ҳар доим ҳаракатда, изланишда бўлади. Лекин вилоятимизнинг туман, шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳларининг айрим аъзолари ижро ҳокимияти идораларига бирор марта ҳам депутатлик сўрови билан мурожаат қилмаган.

Яна бир ҳақиқатни очиқ айтишимиз керак. Аксарият сўровлар кўпчиликни ўйлантираётган масалалар ечимига эмас, маънавий, шахсий, тор манфаатларга қаратилган. Буни қандай баҳолаш мумкин? Баъзи сўровларда кўтарилаётган муаммо сабаблари, ечимига йўللари ёки тақдирлар аниқ кўрсатилмаган. Бу депутатлик сўровининг натижасиз қолишига сабаб бўлмоқда.

— Сайловдан кейин айрим депутатлар ўзларини номзод этиб кўрсатган партия билан алоқани узиб қўяди, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир Фуркат Исроилов**. — Табиийки, бундай депутатлар ўз сайловчилари билан камдан-кам мулоқот қилади. Масалан, халқ депутатлари Ангрен ва Олмалиқ шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари фаолияти жуда суст. Улар сессиялар ва доимий комиссиялар йиғилишларида, мансабдор шахсларнинг ҳисобот ёки ахборотларини эшитиш жараёнидаги муҳокамаларда фаоллик кўрсатишмаяпти. Айниқса,

сессия олдидан ўз йиғилишларини ўтказиш, кўп тартибини тузиш ишларида ташаббускорлик этишмаяпти. Мисол учун, Ангрен шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари Б. Норматов, Э. Эргашев, Олмалиқ шаҳар Кенгаши депутатлари Б. Садиқов, Э. Абдурайимов ва Э. Махмудовлар томонидан жорий йил давомида бирор масала кўтарилмаган. На депутат сўрови, на бошқа бир амалий иш қилинмаган.

Шунингдек, Қуйи Чирчиқ тумани Кенгашидан сайланган 11 нафар депутат 8 та, Оққўрғон туманида 7 нафар депутат 5 та, Бекобод туманида 7 нафар депутат 4 та, Янгийул туманида 8 нафар депутат бор-йўли 3 та депутатлик сўрови юборганини қандай тушуниш мумкин? Тўғри, депутатлик сўрови жўнатилгани масала ҳал бўлишини аниқлатмайди. Аммо бу депутат ўзи сайланган ҳудуд учун

жон қойиётгани, изланишда, ҳаракатда эканини билдирувчи муҳим белги.

— Ҳаёт барчамиздан, хусусан, биз, депутатлардан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори бўлишни талаб этмоқда, — дейди **халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Қизилгул Қосимова**. — Ўйлаб кўрайлик, бугун одамлар қандай депутатга кулоқ солади, ишонади? Катта-кичик муаммони бартараф этишда ёрдам теккан депутатни. Депутат доимо ўзига ишониши, ўзини ҳурмат қилиши керак. Асосий масала шунда, деб ўйлайман. Депутат ўз қўлига ишонмаса, ҳеч ким уни тингламайди, унга эргашмайди.

Баъзида партиямиздан сайланган депутатлар фаолиятида сусткашликларни кузатамиз. Бундай ҳолат бизни чуқур ўйга толдиради. Кўп йиллик тажрибага эга депутатларимиз кўникмаси камроқ депутатлар билан бирга иш олиб бориши, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиши керак, деб ўйлайман. Депутатлар фаолиятини таҳлил қилиб, уларга тўғри йўналиш бериш, қўллаш ҳам зарур бўлади. Шунда ҳам ишда ўзгариш сезилмаса, қонунчиликка мувофиқ йўл тутишга тўғри келади.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

ҲЕЧ КИМ ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУГИЛМАЙДИ



Абдуғаффор ҚИРФИЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси, Фан, таълим,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июль кuni ўтказган видеоселектор йиғилишида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, жиноятчиликнинг айрим турлари кўпайиб бораётгани, жиноятларнинг 30 фоизи ёшлар томонидан содир этилаётгани, ички ишлар тизими, ҳокимликлар, жамоат ташкилотларининг бу борадаги масъулиятини жиддий кучайтириш зарурлиги тўғрисида қатор таклифларни билдирди.

Президент таъкидладик, 2017 йилда мамлакатимизда жиноятлар 2016 йилга нисбатан 16 фоизга, жорий йилнинг 6 ойида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 39 фоизга камайган бўлса-да, жиноятчиликнинг айрим турлари, жумладан, қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарлик каби жиноятлар сони ҳамон юқориликка қолмоқда, бу ҳолат барчани ташвиш ва хавотирга солади.

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, ҳеч бир жиноят ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳар бир жиноят маълум бир муҳитда юзага келади. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг оқибатлари билан эмас, балки унинг келиб чиқиш сабаблари билан кўпроқ шуғулланиш талаб этилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу жараёнда асосий эътиборни маҳалла, ички ишлар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва оилалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни қозғошга эмас, балки амалда тубдан яхшилашимиз лозим. Ўзибўларчилик ва бепарволик оғир оқибатларга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Тушунтириш ва тарғибот ишларини замонавий технологиялар асосида таъсирчан қилиб олиб бориш талаб этилади.

Энг асосийси, шу жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, таҳлил этишимиз, жиноят учун жазо муқаррарлигини одамлар онига етказишимиз лозим. Маълумки, жазосиз қолган ҳар бир жиноят янги жиноят келиб чиқишига хизмат қилади. Президентимизнинг «Жиноят ҳақиқати ва адолат» руқини ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф замирида катта маъно ва мақсад бор. «Жиноят ҳақиқати» деганда ҳар бир жиноятнинг туб илдинини билишимиз керак. «Адолат» эса жиноят жазосиз қолмасин, ўзига яраша жазосини олсин дегани.

Биз яна бир масала устида жиддий ўйламоғимиз керак. Жиноятларнинг катта қисми ёшлар томонидан содир этилаётганини ҳисобга олиб, янги тадбирлар дастурини ишлаб чиқишимиз керак. Айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқимаётган, ишламаётган, уюлмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тубдан такомиллаштириб бориш лозим. Биз, депутатлар ҳам жойларда аҳоли билан ўтказётган турли тадбирлар давомида чуқур таҳлилга асосланган ҳаётий мисоллардан фойдаланишимиз талаб этилади.

Бугун ички ишлар тизимида эскича ишлаш қолипидан чиқолмаётган айрим ходимлар ҳам учраб турганлиги, одамларнинг дарду ташвишини ҳис қилмаслик, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра олмаслик каби иллатлар тизим ишининг боришига салбий таъсир ўтказмоқда. Шунингдек, тезкор ва ҳолис қарор қабул қилиш борасида соҳа ходимларининг малака ва тажрибалари, билимлари ҳар доим ҳам кўзланган натижани бермаётгани таъкидлаб ўтилди.

Қўмитамиз аъзолари давлатимиз раҳбарининг мазкур йиғилишда билдирган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ташкил этиш борасида таълим муассасалари, ички ишлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни белгилаб олдик. Бу масала бўйича қонуний асосларни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар тайёрлашга ҳам келишиб олинди.

ОГОҲЛИК

Захириддин Мухаммад Бобур ўз газолларидан бирида шундай деб ёзганди: «Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод, Ким, етар мақсадға ҳар ким бўлса ул бедорроқ». Бу гаплар ҳозирда ҳам долзарб аҳамиятга эга, лекин ҳамма гап «бедорликни қандай тушунишда! Кимдир бойлик, мол-мулк илинжида тунлари ухломасдан, ўзини ўтга, чўғга уриб беҳаловат яшаётган бўлса, яна кимдир эл, юрт, миллат қайғусида кунларини тунларга ўлаб, бедорликка фидойиликни қўшиб олдинга қараб ҳаракат қилмоқда...

ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАН УЙҒОНАЙЛИК

Она Ўзбекистонимиз Президентимиз бошчилигида тарихнинг оғир ва синовларга тўла йўлларидан ўзига мос ва хос тараққиёт йўлини қидираётган бугунги юқорига — юксакликка интилаётган кунда миллат дарди устида қайғураётган мард ва жасур, бедор қалбли инсонлар жуда-жуда зарур. Афсуски, келажакимиз устида жиддий бош қотирилаётган, жону жаҳонимизни бағишлаётган ҳозирги кунда ҳар бир янгилик ва ўзгаришдан ўзига манфаат истаётган худбин кимсалар ҳам оз эмас. Масалан, таълим муассасаларига қабул жараёнларини олайлик. Бу жараён миллат тақдирини, унинг келажак билан боғлиқ масалалар. Унинг шаффофлигини таъминлаш, ҳалол ва адолатли ўтишини таъминлаш муҳим вазифадир. Афсуски, бу жараёнларда абитуриентлар ва ота-оналарни, чалғитиб алдаб чўнтагини қаппайтириш пайида юрган фирибгар, товламачи ва тамагир кимсалар ҳамон учраб турибди. Биз илмни ўзларига насаб қилиб олган буюк хоразмийлар, бухорийлар, фарғонийлар авлодимиз. Ота-боболаримиз илмдан бойлик орттириш мақсадида фойдаланишмаган. Улар учун илм оламни билиш, ўзликка қайтиш, инсонларга нисбатан олийҳимматликда бўлиш воситаси саналган.

Дарахнинг меваси қанча кўп бўлса, боши ерга шунчалик эгилгани сингари илмни инсонлар ҳам илми кўпайгани сари камтар, хокисор, бошқаларга озор етказмайдиган улуг зотларга айланган. Илм олиш йўлидаги тамагирлик, фириб қаттиқ қораланган. Бунинг охирида муқаррар жавоби бор. Ватандошимиз Сидкий Хондайлик: «Илмни одам шафоатли ва бетама бўлур», дейди. Қаранг, илмга икки дунё саодати, ҳисоб-китоб кундаги олийжаноблик нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Улуг боболаримиздан ибрат олайлик. Илм, билим олишга интилаётган ўғил ва қизларимизга тушунтирайлик. Фақат билимни олиш олий ўқув юртига ўқишга киришини. Турли-туман қинғир йўллар билан ўқишга киритиш, аввало ноҳалоллик, номардлик ҳисобланади. Билимнингиз етмас-да пул бериб, ўқишга кирмоқчимисиз, демак, аввало ўзингизга, қолаверса, билимни тенгдошингизга хиёнат. Бу иллатли йўлдан қайтайлик, Президент, Ватан ва халқ биздан бугун чинакам бедорликни, фидойиликни кутиб турибди. Буюк Ўзбекистонга муносиб инсонлар бўлайлик!

Абдулхай СОБИРОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
проректори.

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

МАҲАЛЛА РАЙСИ НЕГА ҚОТИЛЛИККА ҚЎЛ УРДИ?

Самарқанд вилоятидаги Дарғом каналдан эркак кишининг жасади топилди. Фуқаронинг қўши ёки бахтсиз ҳодиса қурбони бўлмагани унинг тоносидоги жорроҳат излоридан маълум эди. Хуқуқ-тартибот идораларининг қуч ва воситалари ушбу жиноятни очишга сафарбар этилди. Қилни қирқ ёрувчи ходимлар, аввало, марҳумнинг шахсини аниқлаш, сўнгга ўлим сабабларини суриштиришга киришди. Ушбу жараён довом этётган пайтда Самарқанд шаҳрида эгасиз қолдириб кетилган автомобил топилди. Бу муҳим жиноят қаловасининг учини топишга ёрдам берди. «Нексия» Ургут туманида яшовчи фуқарога тегишли бўлиб, у айнан Дарғом каналдан топилган марҳум экани маълум бўлди.

Тезкор қидирув-суриштирув ишларидан жиноят тафсилотлари ва бу муҳим қотилликка қўл урган шахслар аниқланди. Воқеа машина топилган Самарқанд шаҳрида эмас, Ургут туманининг Тароқли маҳалласида содир бўлган экан.

«Тароқли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Олимов шу маҳаллада яшовчи Р.Дўлановдан (жиноятга алоқадор исм-шарифлар шартли) 2015 йилда 1 минг доллар қарз олади, аммо вақтида қайтара олмади. Кунларнинг бирида Р.Дўланова маҳалла раисига кўнғироқ қилиб, фуқаро Б.Бердиев уни доимий равишда ҳақоратлаб, ҳўрлаб келаятганини айтди. Шундан сўнг икковлон Б.Бердиевдан ўч олишни режалаштиради ва бу иш амалга ошса, Р.Дўланова маҳалла раисининг қарзидан воз кечишини билдиради.

Ушбу шарт А.Олимовга ҳам маъқул тушади ва у Р.Дўланованинг хонадонига Б.Бердиевнинг мастлигидан фойдаланиб, унинг бошига болта

билан уриб, ўлдиради. Жиноий шериқлар — А.Олимов ва Р.Дўланова жиноят изини яшириш ва муқаррар жазодан қутулиб қолиш мақсадида Б.Бердиевнинг жасадини қорпача ва гиламга ўраган ҳолда марҳумга тегишли бўлган «Нексия»нинг юкхонасига ортади. Сўнг жасадини Тайлоқ туманининг Давлатобод қишлоғидан оқиб ўтувчи Дарғом каналига ташлаб юборишади. Эртаси кун эса машинани Самарқанд шаҳрига олиб бориб, ўша ерда қолдириб қолдишади.

2017 йилнинг июль ойи бошларида содир бўлган маъкур жиноят унинг «ижрочи»лари ўйлаганидек исзиз кетмади. Қисқа фурсатларда фош этилиб, қотилликка қўл урган шахслар қўлга олинди ва суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилди. Айни пайтда улар жазони ўтамоқда. Лекин Тароқлида рўй берган муҳим қотиллик ҳақида одамлар ҳали ҳам гапириб юришади.

Шу йилнинг 27 июлида Президентимиз раислигида жиноятчилик

нинг барвақт олдини олиш борасида ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам Тароқлида рўй берган жиноят тилга олиниб, маҳалла раисининг бундай ишларга бош қўшгани кескин танқид қилинди.

Ҳўш, бу воқеадан кейин маҳаллада қандай профилактика ишлар амалга оширилди? Одамларнинг муносабати, фикри қандай? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Тароқлида бўлди.

— Бу жиноят нафақат ушбу маҳалла, балки бутун Ургут тумани аҳли шаънига иснод бўлди, — дейди Ургут туман фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши раисининг кексалар ва факрийлар ишлари бўйича ўринбосари А.Тўраев. — Бундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги 102 маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирлар белгиланди. Туман ички ишлар бўлими, прокуратура ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда учрашувлар ўтказилди. Аҳолини ҳушёрлик ва огоҳликка қоралаймиз.

Тумандаги барча маҳаллаларда «Жамоатчилик назорат маскани» ташкил этилган. Тунги навбатчилик

йўлга қўйилган. Туман бўйича профилактика инспекторлари 66 нафардан 74 нафарга кўпайтирилиб, уларнинг самарали ишлаши учун зарур шароит яратилган. Иштиёзли кредит асосида шахсий машина ва хизмат уйи билан таъминланган. Аҳоли ва кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида тумандаги 52 маҳаллада жиноят содир этилмади.

— Маҳалламизда 612 хонадон бўлиб, 3 минг 400 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Ургут туманидаги «Тароқли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Қурбонов. — Аҳолининг асосий даромад манбаи томорқа ҳўжалиги. Жами 64 гектар томорқа ерларимиз бор. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар ҳам кўпчилик. Демократикан, ҳар бир оила ўз аравасини тортишга ҳаракат қилади. Боки-мандалик кайфиятидаги кишилар йўқ ҳисоби. Лекин 5 та нотинч оила бор ва уларни соғломлаштириш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилаямиз. 16 кўчабоши, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб бораёямиз. Маҳалламизда ўтган йил содир бўлган оғир жиноят нафақат унга алоқадор оилалар, балки барчамизнинг юзими эрга қаратди. Бундай ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун хуқуқ-тартибот-идоралари билан ҳамкорликда ишлаёямиз.

— 2017 йил ноябрь ойидан буён Тароқли ва Совгон маҳаллаларида хизмат фаолиятини олиб бораёяман, — дейди ҳудуд профилактика

инспектори Х.Раҳимов. — Давлатимиз эътибори туфайли шу ерда хизмат уйи қуриб берилган, имтиёзли кредит асосида шахсий машина олганман. Аҳоли билан ҳамжихатликда ишлаб, ўтган йилги каби муҳим жиноятлар келиб чиқишининг олдини олишга эътибор қаратганмиз. Маҳаллага қўшни Ўқрач маҳалласидан қириб келиш ва Совгон маҳалласига чиқишда «Жамоатчилик назорат маскани» ташкил этилган. Навбатчилик туну кун йўлга қўйилган. Ким, қачон кираяпти, қайси автомобиль келди ва чиқиб кетаяпти, ҳаммасини биламиз.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида туманда 262 та жиноят қайд этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 тага кам бўлса-да, ҳар бир жиноят ортда инсон тақдирини турганини ҳисобга олсак, унинг биттаси ҳам ижтимоий-маънавий муҳит, ёшлар таълим-тарбияси, келажакига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш масалаларига фақат хуқуқ-тартибот идоралари эмас, барча давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчиликнинг вазифаси сифатида қараш лозим. Айниқса, бугунги куннинг энг долзарб масалалари — аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳаллаларда нотинч оилалар билан ишлаш, одамларнинг давлатга ишончини мустаҳкамлаш, жойларда юзага келаятган қонунга зид ҳолатлар ва коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини қўлайтириш лозим. Бугун давлат ва халқ муносабатларидаги яқинлик ҳар бир фуқародан ана шундай фаоллиқни тақозо этади.

Ҳ.ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

Марс Ерга

жуда яқин келади



Қизил сайёра жорий йилнинг 31 июлида ерга 57,6 миллион километр яқинлашади. Шу боис ушбу воқеа арафасида, яъни 27-30 июль кунлари қизил сайёрани бемалол кўриш имкони бўлди, деб хабар беради sabah.com сайти.

Марс ерга ярим тунда жуда яқин келади. Уфқда уни томоша қилиш мумкин. Қуёш тизимида ер шаридан кейин қуёшга энг яқин 4 сайёра бор. Марс қуёшдан 230 миллион километр узоқликда. Ер қуёш орбитасини 365 кунда, марс эса 687 кунда бир марта айланиб чиқади.

Марс 2003 йили орадан 60 минг йил ўтиб, ерга яқин келган эди. Кейинги яқинлашув 2020 йил 6 октябрь куни қузатилиши кутилмоқда.

Антарктидада

фалокат белгилари
топилди



Калифорния университети олимлари Шарқий Антарктидада катта музликларнинг ҳажми анча камайганини аниқлашди. Улардаги сувлар назарий жиҳатдан денгиз сатҳини беш метрга кўтариш учун етарли. Бу ҳақда phys.org сайти хабар бермоқда.

Тадқиқотчилар ўрганишлар вақтида НАСА сунъий йўлдошлари ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил қилиб, музликлардаги ўзгаришларни баҳолашди. Бунда муз йиғиш ва уни сарфлаш тезлиги ўртасидаги нисбатлар ҳисобга олинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2002 йил апрелдан 2016 йил сентябрга қадар бўлган муддатда ҳар икки музлик 18,5 миллиард тонна музни йўқотган. Бу денгиз сатҳининг 0,7 миллиметрга қўтарилишига тенгдир.

Антарктиданнинг шарқий қисми глобал иқлим ўзгаришига нисбатан камроқ таъсирга учрайди, деб ҳисобланса-да, океандаги иссиқлик ҳароратининг ошиши музликлар эришининг тезлашиб кетишига туртки беради.

Ноёб топилма

учун 773 минг евро
тўланадиган бўлди



Германиянинг Гессен федерал ўлкаси суд қарорига кўра, еридан Рим империяси даврига тегишли ноёб топилма чиқаришга учун фермерга 773 минг евро тўлаб берилади.

Маълум бўлишича, археологлар 2009 йилда Ланау шаҳридан бўлган фермер ерида милoddан аввалги I асрга тегишли отлар ҳайкалининг бир қисми бўлган бронзадан ишланган от бошини топишган. Қонунга кўра, ер эгаси топилма қийматининг ярмига даввогарлик қилиши мумкин бўлган. Бироқ томонлар топилманинг нархи бўйича келиша олишмаган. Гессен ҳукумати фермерга 48 минг евро тўлашни режалаштирган, бироқ фермер каттароқ суммага умид қилган.

Натيجида Лимбург шаҳри суди ушбу масалани ҳал қилиш учун эксперт жалб қилган. Эксперт қадимий топилмани 1,6 миллион еврога баҳолаган. Суд шунга асосланиб тегишли қарор чиқарган.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

«АҚЛИ» ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТИЗИМИ

туфайли АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари меҳнат унвдорлиги бўйича анча илгарилар кетди

Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида аҳоли сонининг кескин ўсиши ва бозорда рақобатбардорликнинг кучайиши кузатилаётган. Олимлар изланишлари янги инновацион, кам энергия сарфланган технологияларни жалб қилиб, таннархи арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига қаратилган. Мамлакатимизда Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши барча соҳаларга дунёдаги энг илгор, юқори технологияларни кенг татбиқ этиш имконини беради.

КАМ ЭНЕРГИЯ САРФЛАНДИГАН ТЕХНОЛОГИЯ

Ҳисоб-китобларга қараганда, яна 30 йилдан сўнг, ер шарни аҳолиси учун айни пайтда истеъмол қилаётганидан 70 фоиздан кўпроқ озиқ-овқат керак бўлар экан. Глобаллашув шароитида экология ва атроф-муҳитнинг ўзгариши, ҳосилдор ерларнинг тақчиллиги, энергия ресурсларининг қимматлашуви, сув ресурсларининг камайиб кетаётгани озиқ-овқат ишлаб чиқаришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Инновацияларни қишлоқ ҳўжалиги соҳасига жорий этишда Америка Қўшма Штатлари дунёда етакчилик қилади. Фермерлар томонидан кичик ҳўжалик, чорвачилик ва баллиқчилик йўналишларига интеллектуал технология фаол жорий этилмоқда. Бундай «ақли» технология, айниқса, ғалла етиштиришда кенг қўлланилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигига ўзи ҳаракатланувчи (учувчи) дронларни кенг қўллаш мақсадида «Ўзгөведэкадастр» давлат қўмитаси қошида илмий-ишлаб чиқариш инновацион марказини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Трактор ва юк ташувчиларда ўрнатилган учувчисиз мосламалар туфайли инсон омили камайтирилади, талон-таъриқлар кескин бартараф этилади. Утган йили Cognitive Technologies (Россия) компанияси инсон иштирокисиз ерга ишлов бериш ва ҳосилни

ийгиб олиш имкониятига эга бўлган, одамсиз трактор лойиҳасини тақдим этди.

Гарчи бундай лойиҳалар дунёда ҳали биринчи босқичда бўлса-да, таҳлилчилар фикрига қўра, улар келажакнинг «ақли» қишлоқ ҳўжалиги асоси бўлади. Вақт ўтиши билан қишлоқ ҳўжалиги фаолияти, яъни, ерга ишлов бериш, ўсимлик парвариши, ҳосилни йиғиб олиш ва уни сақлаш автоматлаштирилади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФЕРМА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Интеллектуал фермада келажакда камера ва сенсорлар ёрдамида фермерга 3D шаклида майдонларнинг электрон хариталарини тўзиш, экинлари самарали ўғитлаш, олиб борилаётган ишларни инвентаризация қилиш, ер мулкларини сақлаш каби нормаллашган вегетация индексини ҳисоблаш имкони яратилади.

Фермер датчик ёрдамида турли майдонларда тупроқ ҳолатини таҳлил қилади ва қайси майдонга қандай уруғ экинни аниқлайди. Ҳозирги пайтда дунё бозорига уруғларни қўйиш билан тупроққа отувчи, махсус дронлар орқали ўсимликларни экинни тақлиф этувчи стартаплар мавжуд.

Қишлоқ ҳўжалигига учувчисиз ускуналар ҳозир АҚШда, Хитойда, Японияда, Бразилияда, ЕИ мамлакатларида фаол қўлланилмоқда, қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилган УУА дунё бозорининг йирик намоёндалари ичида AeroVironment Inc, AgEagle, DJI,



Yamaha ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Датчик ва сенсорларни қишлоқ ҳўжалигига қўллаш интеллектуал фермаларни ташкил этишда муҳим йўлдири. Бунда радиоканал орқали назоратдаги объект ҳолати тўғрисида — яъни, намлик, ҳарорат, ўсимлик парвариши даражаси, ёнилғи захираси тўғрисида узлуксиз маълумотлар олиш мумкин.

Тупроқ характеристикаларини аниқлаш тизимининг асоси назорат нукталарида жойлаштирилган датчиклар ҳисобланади. Бу датчиклар орқали агрономлар керакли маълумотларни олиб, қандай ўсимликни қаварда ўстириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Одатда қўлда сугорилганда сувни ишлашиш мейёри олдиндан ҳисобланади. Бунда қўлгина параметрлар ҳисобга олинмайди. Натижада сувнинг ҳаддан ташқари орқали айланишидан тупроқ эрозияси ҳосил бўлиши мумкин. Датчиклар эса, агрономнинг турини, унинг ўсиш фазаси ва

бошқа омилларни ҳисобга олиб, ҳанон тупроқ қатлами керакли даражада намланганлиги фурсатини аниқлаш, ва эрозияни олдини олишда ёрдам бериши мумкин. Бу сув ишлатиши анча камайтиради ва мейёрни белгилаб беради.

Датчиклар нафақат маҳсулот етиштиришга, балки ҳосилни сақлашга ҳам ёрдам беради. Омборда намлик ва ҳароратни ўлчаш жадвал бўйича ёки реал вақт тартибиде, шахсий характеристикага мослаб сенсорлар созланади. Бу эса ҳосилни анча вақт сақлашга имкон беради. Замонавий тизимлар, сабзавот ва мевалар жуда катта миқдорда сақланаётган бўлса ҳам, уларни қайси ерида чириётганини билиб олади.

БҲОМЛАР ИНТЕРНЕТИ

Одатда «Буюмлар интернет» тармоқларидан агрокорхоналарга қарор қабул қилиш учун маълумотларни датчиклардан марказларга юбориш учун фойдаланилади. Датчик ва

сенсорлар бир дона батарея зарядидан фойдаланиб йиллар мобайнида ишлаши мумкин.

Inmarsat компанияси агрономларга маълумотларни спутник интернет орқали жўнатишда, спутник ресурсидан ва LoRaWAN базавий станцияларидан фойдаланади. Бундай сервис, масалан, Малайзияда ёғли пальмани самарали етиштиришга ёрдам беради, бунда датчиклар резервуарларда сув даражасини автоматик мониторинг қилади, ўсимлик илдизиде тупроқ намлиги тўғрисида маълумот йиғида. Бу эса ўз навбатида майдонларда қўроқчиликнинг олдини олишга, яъни ҳосилни йўқотмасликка имкон беради.

Россиядаги «ақли» инновацияларни ишлаб чиқараётган Rightech IoT Cloud платформаси замонавий технология ва ўзига хос патентланган ғоялари билан дунё аналоглари ўртасида муваффақиятли рақобатлашмоқда.

kSense тизими интеллектуал платформаси ишлаш жараёнида дастурлаш ва мутахассислар керак бўлмади, бунда платформа атроф-муҳитнинг ўзгаришига қараб, автоматик тарзда мослашди ва берилган масалаларни йиғимига боғлиқ бўлган бошқаришни амалга оширади.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ақли ускуналарни, тизимларни кенг қўллаш учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Демак, соҳани жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда инновацион ривожланиш йўналишига ўтказишда амалий натижаларга эришиш ҳозирги босқичнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қобилжон АДИЛОВ,
«Agroinnovatsiya jamg'armasi»
жамоат бирлашмаси ижрочи
директори.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Ажойиб одамлар бор. Кимдир уй-жой қуришга қизиқса, бошқа биров автомашинани ошуфтаси ҳисобланади. Марка йиғишга ишқибозлар, кутубхона ташкил этаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Мўъжизаларга ошно қалб эгаларини бутун истаганча топиш мумкин.

100 ДАН ОРТИҚ ҚАДИМИЙ ВАЛЮТА ҲАМДА НОЁБ ТАҢГАЛАР

60 га яқин мамлакатдан келтирилган...



Денов туманининг «Лолазор» маҳалласида истиқомат қилувчи Иззатой Азимовани ноёб ҳазина соҳиби, дейиш мумкин. Меҳнат фахрийсининг хонадониде дунёнинг 60 га яқин мамлакатидан келтирилган мингдан ортиқ валюта ҳамда металл тангалар сақланмоқда. Нодир ва

бетакорр жаҳоҳиротнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ноёб ҳамда аслиги билан одамни мафтун қилади.

— Ёқубжон Муродов билан 1970 йилда оила қурганимиз, — дейди Иззатой Азимова. — Олти нафар фарзандни воёга етказдик. Турмуш ўртоғим кўп йиллар 84-умумтаълим мактабиде тарих фанидан сабоқ берган. Гул ва қушларни кўпайтириш, боғ яратиш у кишининг севишли машғулотиди эди. Айниқса, валюта ва тангаларни йиғишга ҳавасманд бўлган. Голландия лоласи, япон ҳўрози, Россиянинг металл тангаси ва Афғонистоннинг афғонийси шулар жумласидан. Ҳиндистон, Покистон, Польша, Тожикистондан келтирилган мевади дарахтлар аллақачон ҳосил берган бўлса, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистоннинг турфа гулларидан кўлар қувнайди. Юэлаб валюта ва тангаларга ҳатто хорижлик сайёҳлар ҳам мафтун бўлишмоқда.

— Мингдан ортиқ дурдонанинг 600 дан зиёди мис ва қумуш танга, 400 дан ортигини банкнотлар ташкил қилади, — дейди жамоҳи-миз, 84-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Шерзод Исмоилов. — Уларнинг ҳар бири ўтмиш тилсимларини очгандек бўлаверади. Масалан, Ярослав Мудрий акси туширилган мана бу йирик металл танга миллоддан аввалги 300-йилларда зарб қилинган бўлса, Александр Македонский даврига оид қақалар ўн донадан ортиқ экан...

Минг йиллардан сўзлагувчи нодир асотирлар орасида миллий валюталар — 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 1000, 5000, 10000, 50000 сўм бўлган пул купюралари ҳамда 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва бошқа қийматдаги металл тангаларга алоҳида ўрин берилгани бизни қувонтирди. Шу билан бир қаторда 1, 2, 5, 10, 25, 50, 100, 1000, 10000 қийматдаги Арманистон драми, Беларусь рубли, Бирлашган Араб Амирликлари дирҳами, Болгария леви, Ироқ динари, Озарбайжон манати, Туркия лираси, Ҳиндистон рупийси, Қувайт динари, Қирғизистон соми ва бошқа юртларнинг валютаю тангаларини ҳам кўрдик. Уларнинг қўрилиши ва ўлчамлари ҳам турлича, денг. Бир кириқроқ бўлса, бошқаси шапалоқдек келади. Ранглари ҳам ўзига хос — қўйиш, сарғиш, тўқ яшил... Сиз ҳам дунё муқддарида баҳраманд бўлишни истасангиз, албатта, устоз хонадонига бир келинг!

— Уйимизда мингга яқин китоб ҳам бор, — дейди Алишер Муродов. — Падауру бузрукворимиз 2009 йил 60 ёшда оламдан ўтган бўлса-да, авлодларга бебаҳо ҳазина қолдирди. У кишининг ишларини давом эттириш мақсадида музей ташкил қилишни ният қилиб юрибмиз. Денов туман ҳўқимлиги томонидан махсус жой ажратилса, нафақат де-новликларни, балки бошқа шахрлар ва юртлардан келган меҳмонларни ҳам ҳайратта со-ладиган музей бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Одил судлов» — «Правосудие» журналы жамоаси таҳририят бош муҳаррири Камол Убайдиллоевга ўғли

Жаҳонгир УБАЙДИЛЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзнефгазказибчиқариш» АЖ жамоаси акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси

Бахтиёр ТўЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан илк бор «Ёшлар ишга таклиф этилади» шiori остида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда жамият таркибига кирувчи 49 корхона ва ташкилот мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА

мингдан ортиқ иш ўрни таклиф этилди

— Президентимизнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чоратadbirlari тўғрисида»-ги фармони соҳада янги ҳаёлатларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов. — Ушбу ярмарка билан бир вақтда республикамизнинг барча вилоятларида жамият таркибига кирувчи ташкилот ва корхоналарда ҳам ташкил этилди. Фуқароларнинг ишга жойлашмиш ҳуқуқларини акс эттирувчи ва меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг меъёрилари тўғрисидаги стандарт, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда меҳнат қўнунчилигидеги имтиёзлар акс этирилган буклетлар ярмарка иштирокчиларига тарқатилди ва тавсиялар берилди.

— Ҳозиргина ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим, — дейди ҳажжонини яшира олмаддан Бердах Айтмуратов. — Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг энергетика йўналишини тавомладим. Ушбу меҳнат ярмаркаси ҳақида бир неча кун олдин ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот

воситалари орқали эълон қилинган эди. Тўғриси айтсам, иш топа оламни-йўқми деган ҳадик билан келувдим. Аммо ўзимга муносиб иш топганимдан жуда-жуда хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

— 22 бўш иш ўрни билан иштирок этаймиз, — дейди «Тошкент ис-сиклик электр маркази» бўлим мудири Ҳусан Ёқубов. — Ҳозиргача 18 та ўринга ишга олиш бўйича йўлланмаларни тақдим этдик. Бундан ташқари, ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам берилди.

— Эрта тонгдан иш топиш мақсадида меҳнат ярмаркасига келганим, — дейди Тошкент давлат техника уни-верситетининг исиклик энергетика йўналишини яқинда тавомлаган Саид-азимжон Мамарасулов. — Ҳозиргина «Тошкент исиклик электр маркази»га ишга кириш бўйича йўлланмани олдим. Бундан жуда хурсандман. Тўрт йил давомида таҳсил олдим. Энди ишлаб, оиламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқчиман. Маошим ойига бир миллиондан кўпроқ бўларкан.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ФАҲРЛАНАМИЗ

КЎЗИ ЁНИБ ТУРГАН БОЛАЛАР

Халқаро олимпиадада совриндор бўлишди



Савнар ШОТЎЛАНОВ олган суратлар.

Олимпиадада тушадиган саволлар мусобақа қайси давлатда бўлса, ўша давлатнинг нуфузли университетлари профессорлари томонидан тузилади. Олимпиада бошланишидан бир кун олдин ҳакамлар томонидан таъминлаш олиниди. Ушбу жараён ёпиқ ҳолатда бўлади. Саволлар иштирокчи давлатларга берилиб, шу давлатлар тилига таржима қилинди. Олимпиаданинг шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида ўқувчилар Словакияда масала енди, ўқитувчилар эса Чехияда онлайн равишда уларни кузатиб борди. Ўқувчилар Чехияда бўлган вақтда мураббийлар Словакияда бўлди.

— Мен лицейимизнинг кимё кафедраси ўқитувчилари билан бир-галикда халқаро фан олимпиадаларига ўқувчиларни тайёрлашда ёрдамлашиб келяпман, — дейди халқаро Менделеев олимпиадаларида иккита қумуш, жаҳон олимпиадаларида иккита олтин медал соҳибдори, лицей битирувчиси Бекзод Болтаев. — Лаборатория ишлари бўйича Ўсимлик моддалари кимёси институтининг органик синтез бўлими раҳбари Бурхон Элмуродов бизга қўмаклашди. Ўқувчилар ушбу лабораторияда

амалий тайёргарликдан ўтди. Назарий тайёргарлик лицейнинг ўзиде бўлди.

— Олимпиада масалаларини ечишда ўқувчилардан креатив ёнда-шуш, умуман замонавий фикрлаш талаб қилинади, — дейди Тошкент давлат педиятрия тиббиёт ис-титути қошидаги Юнусов академик лицейининг катта ўқитувчиси Бахтиёр Усмонов. — Мен олимпиадада медал олган ўқувчиларни ёшлигидан олим бўлган бо-лалар, деб ўйлайман.

Болаларни олимпиадага қатна-шиши, ўрин олиши ўқувчиларнинг олган билимларини мукамаллик даражасини кўрсатиб беради. Яъни, бола фақатгина китоб ўқиганини ёки амалиёт билан ҳам шуғуллангани, мустақил фикрлашга эгами ва бошқа шу каби томон-ларини ажратиб беради. Бу олим-пиада ўқувчидан биринчи навбат-да мустақил, ностандарт фикрлаш-ни талаб этади, иккинчидан умий ҳамма билан, масалан, леция ўқисангиз эшитиб, ўрганиб кета-диган эмас, балки ундан ташқари ҳам мустақил изланишни, ўрганиш-ни талаб қилади. Шунинг учун олимпиадада голиб бўлган ўқувчи-нинг натижасида ўқитувчининг ме-хнати 15 фоиз бўлса, 85 фоизи

боланинг ўз ҳаракати, кучи, инти-лиши бўлади.

— Олимпиада яхши ўтди, — дей-ди бронза медали соҳиби Дилдора Ҳасимбоева. — Бутун дунёдан энг яхши ўқувчилар кел-ди. Олимпиадада иккита тур бўлди. Масалалар осон бўлди. Уни гуру-ҳимизнинг 4 нафар иштирокчиси яхши ечди. Лекин лаборатория иши-да бироз қийинчиликларга учрадик. Бу албатта кўп машқ қилганим, балки ўз устимда кўп ишлаганим учундир. Мен олимпиадада олтин медал оламан, деб борган эдим, лекин бронза бўлди. Агар лаборатория ҳам яхши ишлаганимда, албатта, олтин медал олар эдим.

— Олимпиадада лаборатория иши менга ҳам бироз қийинчилик туғдирди, — дейди бронза медали соҳиби Жалолиддин Оловидинов. — Назарий қисмда 8 та масаланинг 6 тасини осон ечдим ва 35 балл олдим. Иккинчи лаборатория иши қиёна тезликни ўлчайдиган жа-раёт бўлиб, вақтга боғлиқ эди. Шу-нинг учун уни яқунлашга улгурмай қолдим. Назарияда ҳам биринчи ва иккинчи масалага вақт етмай қолди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

